Истиқлол жилолари

Куни кеча Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Тарихи Давлат музейи томонидан ташкил этилган «Мустақил Ўзбекистон» кўргазмаси очилди.

Унинг мавзуси мустақилликда қўлга киритилган ютуқларни фотосурат ва экспонатлар орқали намоён этишдир. Мустамлакачиликдан озод бўлган юртнинг ўз ўрнини эгаллаш сари жадал интилаётган лаҳзалари акс эттирилади. Унда, томошабин бу экспонат ва фотолавҳалар мисолида нақадар катта жараён ва ўзгариш даврида яшаётганлигини ҳис қилади. «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари, Тошкент трактор корхонасининг маҳсулоти трактор, Ўзбек-Америка қўшма корхонаси маҳсулоти «Кейс» макетлари, «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси, Тошкент авиация ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмаси фотолавҳалари ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари кўргазмада республикамизнинг эришган ғалла мустақиллиги, газ, ёнилғи маҳсулотлари билан ўз-ўзини тўлиқ таъминлаш намуналари, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақида кенг тасаввур беради.

Кўргазмада Эркабой Машариповнинг «Алпомиш», Рустам Худойбергановнинг «Спитамен», Тўра Курязовнинг «Жалолиддин Мангуберди» портретлари инсонни бир лаҳза узоқ ўтмишга қайтаради, мозийдаги аждодларимиз сиймоси намоён бўлади.

(Ўз мухбиримиз)

Харидоргир маҳсулотлар

Туя жунидан тайёрланган кийим одамни иссиқдан сақлашдан ташқари саломатлик учун ҳам фойдали эканлиги халқ табобатидан маълум. Зарафшон шаҳридаги «Даллол» кичик корхонаси эса туя жунидан кийим-кечак тайёрлаши ва ўз маҳсулотларининг харидоргирлиги билан ажралиб туради.

Корхона директори Зинаида Дементьеванинг айтишича, тайёр маҳсулотлар Самарқанд, Бухоро, Тошкент ҳамда Россиянинг Екатеринбург, Тюмень, Астрахан, Самара, Томск, Саратов, Новочеркаск каби шаҳар ва вилоятларининг савдо шаҳобчаларига сотилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Тиббий хизмат яхшиланди

Нишон туманида шошилинч тиббий хизмат маркази иш бошлади. Туман марказий шифохонасига қарашли бу масканда беморларга тезкор ёрдам кўрсатиш кўзда тутилган. Марказ учун ажратилган хоналар таъмирланган. Замонавий ускуналар олиб келинган. Булар учун жами 3 миллион сўм сарфланди. Муҳими аҳоли зарурият туғилганда шифохонага югурмай шошилинч тиббий хизматдан фойдаланадиган бўлди.

Илҳом КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Самимий қутловлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент жаноблари,

1 сентябрь — Мустақиллик куни муносабати билан Сизга ва халқингизга самимий қутловларимни йўллайман.

Саккиз йил муқаддам мустақиллик эълон қилинган пайтдан буён Ўзбекистон машаққатли, аммо буюк йўлни босиб ўтди. Германия аввалбошданоқ бу йўлда Ўзбекистонга ҳамроҳлик қилди.

Шу давр мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар муттасил ривожланиб борди. Биз Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги муҳим шерик ва барқарорлик гарови, деб биламиз.

Сиз Ўзбекистон парламентининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида сўзлаган катта маърузангизда давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамиятини барпо этишни мамлакатнинг келгуси асрга ўтишидаги энг муҳим йўналиш, деб атадингиз. Мана шу мақсадларга эришиш йўлида Сиз бундан буён ҳам Германия тимсолида ишончли шерикка эга бўласиз.

Келажакдаги бу шарафли йўлни босиб ўтишда Сизга ва мамлакатингизга барча эзгу истакларни тилайман.

Эҳтиром билан

Йоҳаннес РАУ,
Германия Федератив Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинган кун муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг ғоят самимий қутловларимни зўр мамнуният билан йўллайман.

Мен шу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига шахсан омон-эсонлик, Ўзбекистон халқига эса саодатли истиқбол тилаб билдирган энг эзгу истакларимни изҳор этаман.

Томас КЛЕСТИЛЬ,
Австрия Республикаси Федерал Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Президент Жаноблари,

Мамлакатингиз мустақиллиги эълон қилинганлигининг саккиз йиллиги муносабати билан Сизга ўзимнинг самимий қутловларимни йўллаш менга зўр мамнуният бахш этади ва бу қутловларга Гвинея халқи ва ҳукумати қўшилади. Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва равнақ тилаб билдирган истакларимни ҳамда Сизга бўлган юксак эҳтиромимни яна бир бор изҳор этишни истардим.

Генерал Лансана КОНТЕ,
Гвинея Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Фахрий фан доктори Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Мустақиллигининг 8 йиллиги, Ўзбекистон Республикаси тақдиридаги энг ёрқин ва муҳим сана, ажойиб байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Сизни ва бутун ўзбек халқини Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Илмий Кенгаши ва Плеханов Академиясининг бутун жамоаси номидан муборакбод этамиз.

Инсон ҳаёти мезонлари бўйича бу қисқа муддат, албатта, аммо у Сизнинг республикангиз учун тикланиш даври, ўзбек халқининг қадимий анъаналарини ривожлантириш ва сақлаб қолишдан иборат ўзининг ноёб тажрибасини тўплаш даври бўлиб қолди. Шу вақт ичида республика ўзининг бетакрор қиёфаси — мустақил давлат қиёфасига эга бўлди ва бундан буён ҳам самарали ривожланишга рағбат олди.

Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг жамоаси Ўзбекистоннинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги муваффақиятларини ҳамда унинг Марказий Осиё ва жаҳондаги мавқеини зўр эътибор ва хайрихоҳлик билан кузатиб бормоқда. Шуни қайд этиб ўтиш қувонарлики, ўзбек халқи ўзининг миллий байрамини мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ислоҳ қилиш йўлида янги-янги муваффақиятлар билан кутиб олмоқда.

Сиз Академиямизнинг Фахрий фан доктори эканлигингиз билан фахрланамиз ва Сизни тўла асос билан жамоамизнинг аъзоси, деб ҳисоблаймиз.

Сизга сиҳат-саломатлик, меҳнат фаолиятингизда муваффақиятлар ва албатта, Сизга, қариндошларингиз ва яқин кишиларингизга ҳамда бутун ўзбек халқига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаймиз.

Самимий эҳтиром билан

В.И.ВИДЯПИН,
Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт Академиясининг Президенти, академик.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 28 август, шанба • № 102-103 (25.498).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Бир боғлам исириқ

Озодлик суврати

Дўстим билан яхши ният қилдик. Олтинсой туманининг юқори қисмида, баланд тоғлар орасида жойлашган Хўжаи пок ота зиёратгоҳига йўл олдик. Сурхон воҳасига қадами етган киши Термизий бобони, Сўфи Оллоёр бобони, Вахшивор отани зиёрат қилиб қайтса, дилини тозартса, иши юришади, мушкули осонлашади. Руҳан тетик тортади. Билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилади. Кўнглининг кирлари ювилади. Азизлар руҳи олдида дуога қўл очган одамнинг шуурига нур киради. Ботини ёришади. Шунда ҳамма нарса – борлиқ, атрофимиздагилар кўзимизга яхши ва беғубор кўринади. Нега шундай? Чунки, мен ҳам покланайин, инсон бўлайин, бу беш кунлик дунёда ўй-хаёлим равшан тортиб умр кечирай, деган ният қалқийди ичимизда.

Хўжаи пок ота зиёратгоҳи Олтинсой марказидан 30 чақирим нарида. Йўл тоғларнинг қорнини ёриб кенг сатҳли сувликка бориб тақалади. Атрофга чўққилар ваҳм солади. Тоғ ичидан забт билан чиқаётган сувни эса ҳеч жойда учратмагансиз. Таъми бўлакча, дарвоқе, олтингугуртгами-ей ўхшаб кетади, танангизга ўзгача бир ҳузур-ҳаловат бахшида этгувчи муздай, зилол. Ҳозирча, сув ҳақида гапни кейинга қолдириб, зиёратгоҳни туман маркази билан туташтирган йўл тўғрисида озгина сўзласак. Илгарилари бу жойга келишнинг ўзи бўлмасди. Енгил мошин юролмасди. Катта-катта харсанглар, ўнқир-чўнқир тепаликлар ҳалал берарди. Бугун кўрсангиз йўл сойликдан ўнг томонга кўтарилибди. Асфальт ётқизилган. Равон. Велосипед билан ҳам бемалол юрсак бўлади. Айрим жойларга кўприк тикланган. Тик нишаблик... Гоҳо баландлик. Довондан тушиб-чиқиш ҳам хавфлимас. Сўл томонда, зувиллаган пастликда сой оқади. Шундан билсак бўладики, бу текис йўлни бунёд этиш осон кечмаган. Анча маблағнинг, сарф-харажатнинг мазасини қочирган. Ҳа, майли ободчилик, яхшиликнинг, савобнинг баҳоси қилинган ҳалол иш билан белгиланади. Зиёратгоҳга ўн чақирим етмасдан, сойликда соғломлаштириш маскани қурилаяпти. Тоғ ҳавоси тоза. Улкан дарахтлар қад ростлаган. Табиатнинг буюк мўъжизасига лолу маҳлиё бўлиб кириб борасиз зиёратгоҳга.

Бу ерда ҳам иш қизиган. Тоғ оралиғидан оқиб ўтган сой қирғоғини туташтирувчи улкан кўприк қуриляпти. Маҳаллий раҳбарлардан бирининг айтишича йўл қурилишга маблағ туманнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда топилган.

Хуллас, бу жойга кишилар дардига малҳам исташ келишади. Тоғ ғоридан оқаётган сарғишроқ тус сув таркибида ўнлаб кимёвий элементлар мавжуд. Ўнлаб касалликларга даво. Айниқса, сувга тушсангиз дастлаб танангиз совуқдан жунжикиб кетади. Бир-икки сония нафасингиз қайтгандай бўлади. Кейин эса сув илиётгандай туюлади. Сувдан чиққингиз келмайди. Шўнғиб бош кўтарсангиз ўзингизни ҳаддан зиёд енгил сезасиз. Ва, соатлаб сув ичида қоласиз. Ичганингиз сайин ичингиз келади.

Энди сув атрофи – зиёратгоҳга кўз ташлайлик. Ҳаммаёқ озода. Одам гавжум. Чойхоналар, сўрилар, соя-салқин. Бундай баҳоволикни ундай-бундай жойдан тополмайсиз. Ҳатто бир чақирим нарида бозор қурилибди. Тоғ бўлишига қарамай электр сими тортилибди. Кечалари чироқлар порлайди. Қисқаси, тоғда шаҳарча пайдо бўлган. Бу ерга келувчиларнинг оёғи узилмайди. Айниқса, деҳқонлар пахта йиғим-терими, узум узиш олдидан жамоа-жамоа бўлиб зиёратга келишади. Жонлиқ сўйишади. Ҳосилим мўл бўлсин деб дуо қилишади.

Бу жойда бугун барча вилоятлардан келаётган одамларни учратишингиз мумкин. Кечалари ётиб қолишади. Шу озод кунлар тинчлик, яхшилик ва ёруғлик учун шукроналар айтишади.

Биз ҳам шифобахш сувда чўмилдик.

Кеч бўлишига қарамай одамлар анчагина. Тоғ тепасига чиқиб қарасангиз пастликда чироқлари жуда кўп, шу чироқлари порлаб кўзни қамаштираётган катта бир кемага кўзингиз тушгандай бўлади.

Сўридан жой олдик. Ётиб қоладиган бўлдик. Ёнимизга бир чол жойлашди. Кексаликни тан олмаган бу отахон нафақат ҳаракатчан, балки гапга ҳам чечан экан. Гапимиз қовушди. Чолнинг ўзи бир тарих. Тўқсонни қоралаган. Тилидан Оллоҳ, тинчлик сўзи тушмайди. Жуда содда. Самимий.

Эрталаб Жўра ота қўлимизга туғунча тутқазди.

– Бу нима, ота?

– Бир боғлам исириқ болам...

– Нима қиламан?

– Олиб боравер. Тошкентнинг энг чиройли жойига, Мустақиллик майдонининг кўринарли жойига осиб қўй. Тинчлигимизни, истиқлолимизни... ҳаммамизни ёмон кўзлардан асрасин.

Ота ўктамлашди.

... Ушбу мақолани тугатаётиб чолнинг ўша, ўктам қиёфаси кўз ўнгимда турибди. Столим устидаги бир боғлам исириқни ўзим қўлимда даст кўтариб 1 сентябрь – байрам куни Мустақиллик майдонида юришни ният қилдим.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Марокли учрашув

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 8 йиллиги арафасида мамлакатимизда турли маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш яхши анъана бўлиб қолди. Шундай тадбирлардан бири, учрашув сифатида, кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли драматург ва публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимов билан бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан партия Марказий Кенгашининг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом, олим ва адиб Иброҳим Ғофуров, адабиётшунослар Абдуғофур Расулов, Ортиқали Абдуллаев, драматург Ҳайдар Муҳаммад, Халқ артисти Зикр Муҳаммаджонов, халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси раиси Дадахон Ёқубов ва бошқалар юбилярнинг сермаҳсул ижоди она-диёр — Ўзбекистонни, унинг меҳнаткаш халқини улуғлашга, Ватан туйғусини куйлашга, бетакрор миллий маънавиятимизни тиклашга қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бирлашган ўзар дейдилар

Партия хабари

Ҳаётнинг долзарб жабҳасига қадам қўймоқдамиз: сайловчилар билан учрашиш, уларга тушунтириш ишларини олиб боришда сиёсий партияларнинг роли каттадир.

Яқинда Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгашида сайловчилар билан «Сиёсий партия: юксалиш муаммолари» мавзуида илмий- амалий конференция ўтказилди. Уни туман партия кенгаши биринчи котиби Ёқут Исоқова олиб борди. Йиғилганларни партия ҳаёти билан қисқача таништирди.

Халқ демократик партияси сайловларнинг ҳаққоний демократик тарзда ўтказилиши ва бу йўлда ғалабага эришиш учун бел боғлаган партиядир. Сайловларда табиийки, халққа яқин, уни ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий томондан ҳимоя қила билган партия ғолиб чиқади.

Дўстона ва қизғин ўтган анжуманда шунингдек партия ва жамоат ташкилотлари, партия ва депутатлар, партия ва ёшлар, партия ва аёллар каби муаммолар кўтарилди. Конференцияда корхоналар, хусусий фирмалар ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари сўзга чиқиб, сайловчилар саволларига жавоб қайтардилар.

Бахтиёр ЖУМАНОВ

Зилзила оқибатлари тугатилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг авария-қутқарув гуруҳи Туркия Республикасининг Сакария шаҳрида зилзила оқибаталарини тугатишга доир ишларни давом эттирмоқда. Қутқарувчиларимиз Апазор вилояти губернаторининг илтимосига биноан шаҳарнинг марказий қўчасидаги иккита кўп қаватли уй ва меҳмонхона вайроналарини тозалашда иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги матбуот марказининг хабар қилишича, бу вилоятда республикамиздан борган гуруҳ билан биргаликда Исроил, Миср, Болгария, Бельгия, Франция ва Озарбойжон қутқарувчилари ҳам ишлашмоқда.

Ўзбекистонлик қутқарувчилар гуруҳи Туркияда иш бошлагандан буён маҳаллий ҳокимият вакиллари билан биргаликда вайрон бўлган 15 та кўп қаватли бинони текширдилар.

Вайроналарни тозалашда гуруҳ бу ерга олиб келган махсус авария-қутқарув машиналаридан фойдаланилмоқда. Маҳаллий маъмурлар мутахассисларимиз иши самарадорлигини ошириш учун уларнинг ихтиёрига 70 нафар кўнгилли қутқарувчи ва 10 нафар ҳарбий хизматчини ажратдилар.

Қутқарувчилар лагерида дала тиббий пункти очилди, маҳаллий аҳоли тиббий ёрдам олиш учун шу ерга келмоқда.

Қутқарувчиларимиз Туркияга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Миллий жамиятининг инсонпарварлик ёрдамини олиб борган эдилар. Шаҳар валисининг қарорига биноан бу ёрдам Сакария зилзила оқибатларини тугатиш штабига топширилди.

(ЎзА).

Қутлаймиз!

Ижодий соҳани ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун «Ўзбекистон овози» газетасининг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Юнус Узоқовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист» фахрий унвони берилди.

Ҳамкасбимизни юксак унвон билан табриклаб унга янги ижодий парвозлар тилаймиз!

Таҳририят

Фарғона вилояти: Мустақиллик манзаралари

Абдулла БАХТИЁРОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мустақиллигини ва унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашдаги хизматлари, республикада фан-техника, саноат ва иқтисодиётни ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ўзининг меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Эл-юрт ҳурмати" ордени билан

Абдуқодиров Сайдулло — Боёвут тумани "Дўстлик" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

Абраров Аъзам — Поп тумани "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

Вохидова Рисолат — "Маҳалла" хайрия жамғармаси Зомин тумани бўлими раиси, Жиззах вилояти

Дадабоева Хосиятхон — Андижон шаҳар "Хурсандлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Ибрагимова Бибигул — Хўжайли тумани "Жана жап" овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мардонов Мухаммад — "Нуроний" жамғармаси Қизилтепа тумани бўлими раиси, Навоий вилояти

Мустанов Тожимурод — Жарқўрғон тумани "Сурхон" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Марказий" маҳалла раиси, Сурхондарё вилояти

Отаматов Салом — Шайхонтоҳур тумани "Бўстон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Примқулова Гулчеҳра — Қарши шаҳар "Қарлуқбоғот" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

Усмонова Хабибахон — Ўзбекистон тумани "Тагоб" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

Хасанов Карим — Бухоро шаҳри Ф.Хўжаев тумани "Жубор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

Хайитбоев Эргаш — Қибрай тумани "Ўнқўрғон" маҳалла фуқаролари йиғини раиси, Тошкент вилояти

Шерметов Абдирим — Боғот тумани "Қулонқорабоғ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

Шорахмедов Даврон Ахмедович — Юнусобод тумани «Туркқўрғон» маҳалла фуқаро йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Эргашев Йўлдош — Темирйўл тумани М.Шайхзода номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

Эрматов Қўчқор Хасанович — Ҳамза тумани "Тарнов боши" фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

Юнусходжаева Муборак Юлдашевна — "Маҳалла" хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раисининг ўринбосари

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришда ва бу соҳаларда ислоҳотларни ўтказишда қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда халқ турмуш фаровонлигининг ошишига, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Абдувахапова Ширин Абдураҳимовна — Дўстлик тумани ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси, Жиззах вилояти

Абдухалилов Имомали — Боғдод тумани "Намуна" ширкат хўжалигининг оила пудрати бошлиғи, Фарғона вилояти

Алимов Мухтар Нафасович — Нукус шаҳар ҳокимининг котибият бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Амирқулов Қурбон — Музработ тумани "Меҳнат-Роҳат" хусусий корхонаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Астанов Карим Узоқович — Муборак тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Ахмедов Беккул — Нурота тумани "Қизилча" жамоа хўжалиги ҳайдовчиси, Навоий вилояти

Бадалов Эшдавлат — Деҳқонобод тумани М.Ибрагимов номли жамоа-ширкат хўжалиги бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Базарбаев Урман — Шаҳрихон тумани академик Саримсоқов номли ширкат хўжалиги раиси, Андижон вилояти

Бегалиев Сайдулло — Избоскан тумани ҳокими, Андижон вилояти

Бобожонов Ислом Олимович — Хоразм вилояти ҳокими

Бурханов Мейлик Усмонович — "Қашқадарёмармар" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

Жабборов Тўлқин Отахонович — Наманган вилояти ҳокими

Жумаева Ханифа — Сариосиё тумани Бобур номли ширкат хўжалиги оилавий пудрат бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Жўраев Файзулла — Навбаҳор тумани О.Фармонов номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Зайнутдинов Ибрат Анварович — "Ўзбекнефтгаз" Миллий холдинг компанияси раиси

Исаков Ином — Жиззах тумани "Наврўз-С" фермер хўжалиги раиси, Жиззах вилояти

Исроилов Келдиёр Азимович — Жомбой тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Кароматов Ҳамидулла Саъдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Кенжаева Парахат — Конимех тумани Ҳ.Олимжон номли жамоа хўжалиги ишчиси, Навоий вилояти

Кошкин Иван Алексеевич — "Тошкент трактор заводи" Давлат ҳиссадорлик жамиятининг цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

Матязов Садулла — "Туямуйинсувқурилиш" трестига қарашли монтаж бошқармаси экскаваторчиси, Хоразм вилояти

Миржалилов Атхамжон — Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Муқимов Хаким Бақоевич — Вобкент тумани "Зарбдор" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Мухамедов Қудратулла Асадуллаевич — Ҳамза тумани 2-уй-жой қуриш комбинатига қарашли 61-қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи, Тошкент шаҳри

Мўминов Нуъмонжон Шодиевич — Фарғона вилояти ҳокими

Носиров Гайни Рўзиевич — Ғиждувон тумани Ф.Хўжаев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Бухоро вилояти

Носиров Мухамматжон Каримович — Қува тумани ҳокими, Фарғона вилояти

Олимжонов Бахтиёр — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Раҳмонбердиев Наманжон — Ширин шаҳри Сирдарё ГРЭСи смена бошлиғи, Сирдарё вилояти

Рахимов Ўрин — Иштихон тумани "Ўринбойобод" фермер хўжалиги раиси, Самарқанд вилояти

Саидов Муродулла — У.Юсупов тумани "Жейнов" қишлоқ ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, Қашқадарё вилояти

Саидов Ҳамро Ҳамдамович — Пешқу тумани "Амубухороканалқурилиш" бошқармаси 6-сон кўчма механизациялашган колоннаси бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Саидметов Бобожоқ — Хонқа тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Хоразм вилояти

Собиров Баходир Мухаммаджонович — "Андижонмаш" ҳиссадорлик жамиятининг моделчиси, Андижон вилояти

Содиқов Камолжон — Қўрғонтепа тумани "Аваз" фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Таджибаев Абдураҳим — "Наманганқурилиш" акционерлик жамияти қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Таштемиров Арслон — Чиноз тумани С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги сувчиси, Тошкент вилояти

Тожиев Амин Хамроевич — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси

Торениязов Сатнияз — Кегейли тумани Б.Каримбердиев номли ширкатлар уюшмаси 6-сон ширкат мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Турғунов Икромжон — Бувайда тумани "Дўстлик" ширкат хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Ўрманов Эшбой Бойхўрозович — Пахтачи тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Усмонов Ермат — Ўрта Чирчиқ тумани "Усмон" деҳқон фермер хўжалиги раҳбари, Тошкент вилояти

Хайитбоев Исоқул — Ғаллаорол тумани "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

Ҳакимов Матлаб — Ургут тумани "Деҳқончилик қурилиш" акционерлик жамияти бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Халилов Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси

Халмуратова Майрам Авазовна — Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги "Халқаро Телеком" акциядорлик компанияси бош директори, Тошкент шаҳри

Ҳамидов Бахтиёр Султанович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Макроиқтисодиёт ва статистика вазири

Ҳасанов Турушбой — Зафаробод тумани "Турон" жамоа хўжалиги звено бошлиғи, Жиззах вилояти

Холмуратов Иброгим — «Хоразмирригацияқурилиш» трестига қарашли «Янгибозор» қурилиш-монтаж бошқармаси прораби, Хоразм вилояти

Холхожиева Тахирахон Қосимовна — Тўрақўрғон тумани «Олтин водий» ширкат хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Наманган вилояти

Хусанходжаев Фридон Зухурович — Яккасарой тумани «Гидропроект» ҳиссадорлик жамияти тажриба-лаборатория ва дала ишлари бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Хусенов Самойдин Қосимович — Бухоро вилояти ҳокими

Шодиева Бўритош — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари

Эргашев Анваржон — Оқолтин тумани "Фарғона" қишлоқ ширкат хўжалигининг 1-сон фермер хўжалиги раиси, Сирдарё вилояти

Юлдашев Нурмамат — Норин тумани А.Шамсиддинов номли ширкат хўжалиги механизатори, Наманган вилояти

Янгибаева Гулжахон — Беруний тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тадбиркорлар уюшмаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Қодиров Қувондиқ — Қизилтепа тумани 214-сон очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ғишт терувчиси, Навоий вилояти

Қодирова Соткиной Усмоновна — Олтинкўл тумани "Тошкент" ширкат хўжалиги бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

Қурбонов Тиллахўжа — "Кўмир" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 9-кўмир кони ишчиси, Тошкент вилояти

Республика қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалари, бошқарув органларидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда ватан олдидаги муносиб хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Дўстлик" ордени билан

Абдурахимова Фарида Йўлдошевна — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси

Ахунова Роҳат Бойхановна — Косонсой тумани "Бухоро" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Наманган вилояти

Баймбетова Пердехан Адилбаевна — Тахтакўпир тумани электр алоқаси бўлимининг электр монтёри, Қорақалпоғистон Республикаси

Бектурдиев Бекберген — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари

Белоногов Виктор Васильевич — Қиргули тумани ҳокими, Фарғона вилояти

Булах Виктор Петрович — "Сурхонирқурилиш" трестининг мармар тош терувчиси, Сурхондарё вилояти

Галаганова Екатерина Ильинична — Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги бўлими бошлиғи, Тошкент шаҳри

Головина Нина Васильевна — Олмалиқ шаҳар "Юлдуз" масъулияти чекланган жамияти қандолатчилик цехининг қандолатчиси, Тошкент вилояти

Джуманиёзова Қизларгул Ембергеновна — Хўжайли тумани "Найман" ширкат хўжалигининг бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Дилимов Айсултан Тугелович — Кўнғирот тумани "Жанубгазқурилиш" ҳиссадорлик жамияти 1-сон қурилиш-монтаж филиалининг участка бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Долгова Светлана Николаевна — "Тошкент телефон тармоғи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг автомат телефон станцияси мухандиси, Тошкент шаҳри

Емельянов Владимир Дмитриевич — Хўжалик ҳисобидаги Сирдарё лойиҳа ишлаб чиқариш бошқармаси директори, Сирдарё вилояти

Жалилов Алиқул Хайитмаматович — Зарбдор тумани "Андижон" ижара ширкатлар бирлашмасининг бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

Жданов Владимир Васильевич — Бухоро вилояти ҳокимининг ўринбосари

Жумаев Рустам — Шаҳрисабз тумани "Хисоракгидроқурилиш" трестига қарашли 4-механизациялашган кўчма колоннасининг бульдозерчиси, Қашқадарё вилояти

Зайкова Любовь Васильевна — Зангиота тумани "Нур" наслли тухум ва парранда ишлаб чиқаришга ихтисослашган акциядорлик жамияти бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Зикриёев Эрқул — "Ўзпахтасаноатсотиш" акционерлик уюшмаси бошқаруви раиси

Исанов Шавкат Эргашевич — Пастдарғом тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Исроилов Алишер Хўжамович — Зафаробод тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Йўлдошева Гулнора Ботировна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмита раиси

Кровнов Александр Николаевич — Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари

Куччиев Мирзамашраб Раззоқович — Қибрай тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Кушматов Рахимжон — Поп тумани "Пунгон" йўллардан фойдаланиш участкаси бульдозерчиси, Наманган вилояти

Мақсудхўжаев Бахтиёр Нуъмонович — Миробод тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

Павлов Александр Петрович — Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи технологик қурилмаси бошлиғи, Бухоро вилояти

Поляков Алексей Владимирович — "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг транспорт ва сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси, Тошкент шаҳри

Пророков Игорь Александрович — Бектемир тумани "Сувмаш" насослар ва электр машиналари ишлаб чиқариш ва таъмирлаш заводи директори, Тошкент шаҳри

Пўлатова Робия — Самарқанд шаҳрида якка тартибда иш фаолият кўрсатувчи новвой, Самарқанд вилояти

Расулов Абдуманноб — Марҳамат тумани ҳокими, Андижон вилояти

Рашидова Сайёра Шарофовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили

Рахимова Александра Николаевна — Боғот тумани электр бўлими катта алоқачиси, Хоразм вилояти

Саидова Галина Каримовна — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

Саматов Ашурали Маматбоевич — Фарғона тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Фарғона вилояти

Сатчин Владимир Мухамедхалиевич — "Чирчиққурилиш" ҳиссадорлик жамияти 307-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчилар бригадири, Тошкент вилояти

Слюсаренко Александр Григорьевич — Навоий тоғ-металлургия комбинати "Шарқий" кони бошлиғи, Навоий вилояти

Суйинтаев Ергеш Суйеуович — Томди тумани "Жана шаруа" акционерлик жамияти бош чўпони, Навоий вилояти

Тимофеева Ольга Аполлоновна — "Андижон телеком" акционерлик жамияти Асака бўлими алоқачиси, Андижон вилояти

Тожиев Хайит Кўзиевич — Баҳористон тумани ҳокими, Қашқадарё вилояти

Турғунов Обиджон Алиевич — Андижон тумани йўл қўприклар қуриш бошқармасининг асфальт ётқизувчиси, Андижон вилояти

Уразимбетов Қалмурза — Нукус шаҳар 2-сон маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Утамов Жумабой Сапарбаевич — Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

Хабарова Раиса Александровна — Қувасой шаҳар "TGM DELAROS" Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг ғишт пиширувчиси, Фарғона вилояти

Ҳайдаров Бозорбой — Чортоқ тумани ҳокими, Наманган вилояти

Холдоров Қосимжон Хошимович — Сариосиё тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

Холтоев Туроп — Паркент тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Худойбердиев Сувон — Навоий шаҳар "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

Чкалов Валерий Павлович — Бекобод тумани 6-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна жамоа ташкилоти бошлиғи, Тошкент вилояти

Шамшиддинов Ғуломжон Тўлаганович — С.Раҳимов тумани 3-автобус саройи очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

Шаталин Олег Яковлевич — Муборак газни қайта ишлаш заводининг бош энергетиги, Қашқадарё вилояти

Шиликов Виктор Макарович — Самарқанд шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

Эрбеков Исроил Йўлдошевич — Ширин шаҳар ҳокими, Сирдарё вилояти

Эргашев Ахтам Ибрагимович — Учқудуқ туман ва шаҳар ҳокими, Навоий вилояти

Юлдашева Муборакхон — Данғара тумани "Фарғона насос станциялари, энергетика ва алоқа" бошқармаси Қўқон бўлими бошлиғи, Фарғона вилояти

Юрикова Людмила Петровна — Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси

Юсупбеков Нодирбек Рустамбекович — "Ўзхимпром" кимё саноати корхоналари ассоциациясининг раиси, Тошкент шаҳри

Ядгарова Рашида Туроновна — "Жиззахтелекомшўъба" корхонаси Арнасой тумани филиали катта алоқачиси, Жиззах вилояти

Ғуломмаҳмудов Абдували — "Конструктор" жамоа корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

"Жасорат" медали билан

Нормуродов Мадилла Турсунович — Яккабоғ тумани «Ҳисор» ширкатлар уюшмаси йилқибоқари, Қашқадарё вилояти

"Шуҳрат" медали билан

Аббосов Ботиржон Боқиевич — "Тошсаноатқурилиш" ҳиссадорлик жамияти 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг бетон қуювчиси, Тошкент шаҳри

Абдуғаппоров Захир Маликович — Ғаллаорол тумани "Ғаллаорол" илмий ишлаб чиқариш агрофирмаси тракторчиси, Жиззах вилояти

Абдуқадиров Баходир Абдувахабович — "Ўзавтосаноат" уюшмаси иқтисодни белгилаш ва ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри

Абдуллаев Ғойибберди — Хўжаобод тумани А.Набиев номли ширкат хўжалиги механизатори, Андижон вилояти

Абдурасулов Саид Олимович — Жиззах шаҳар "Алишер" хусусий жамоа корхонаси раҳбари, Жиззах вилояти

Абидов Бахшулла Халиқович — Жондор тумани ҳокими, Бухоро вилояти

Авазниязова Иқбол — Нишон тумани "Пахтаобод" қишлоқ ширкат хўжалиги ишчиси, Қашқадарё вилояти

Аджиқулов Сарсенбай — Мирзачўл тумани 21-автокорхона ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Азимова Давлат Исмоиловна — Самарқанд шаҳри "Динамо" тикувчилик фабрикаси цех бошлиғи, Самарқанд вилояти

Айдарова Молдир Кеулимжаевна — Оқолтин тумани алоқа бўлими муҳандиси, Сирдарё вилояти

Айтбаева Меҳрибон Рейимбаевна — Элликқалъа тумани "Оқ йўл" чорвадорлар жамияти сут соғувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Акбаров Мухаммадсоли — Асака тумани Ғ.Ёқубов номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

Алиев Салохиддин Набижонович — Риштон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси экскаваторчиси, Фарғона вилояти

Алимов Мардон — Челак тумани П.Нурмонов номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Алимов Рустам Пулатович — Олтинсой тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

Аллаберганов Комил Қодирберганович — Қўшкўпир тумани "Қодирберган" фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Амиров Мигдат Фотихович — Тошкент шаҳар хўжалик ҳисобидаги Давлат идорадан ташқари экспертиза бошқармаси бошлиғи

Амирова Лутфи Ҳакимовна — Тўрақўрғон тумани Бобур номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Анорбоев Муса — Бахмал тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Ахмедов Ринат — Кармана тумани "Ичимликсув" ишлаб чиқариш бўлими бригадири, Навоий вилояти

Ахмедов Рустам —Янгиариқ тумани Ш.Рашидов номли жамоа хўжалиги шоличилик бригадаси бошлиғи, Хоразм вилояти

Ахунов Уктам —Хўжаобод тумани ҳокими, Андижон вилояти

Ашуров Эркин Иргашевич — Андижон вилояти «Жамферлойиҳақурилиш» ширкатлар бирлашмаси раиси

Ашурова Темирхон Абдуллаевна — Сўх тумани "Озод" жамоа хўжалиги аъзоси, Фарғона вилояти

Баратова Иззат — Юқори Чирчиқ тумани "Гулистон" қишлоқ ширкат хўжалиги пиллакори, Тошкент вилояти

Бегматов Тўхтамурод — Ғузалкент тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригада бошлиғи, Самарқанд вилояти

Бийимбетов Каримбой Бийимбетович — Нукус тумани "Кутанкўл" жамоа хўжалиги бош ҳосилоти, Қорақалпоғистон Республикаси

Бобоев Садулло Маманазарович — Когон тумани электр алоқа бўлими кабель пайвандловчиси, Бухоро вилояти

Бобоева Аллома — Олот тумани А.Навоий номли жамоа хўжалиги аъзоси, Бухоро вилояти

Бобожонова Ўғилжон Матназаровна — Хива тумани "Хива гилами" ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси, Хоразм вилояти

Бобожонова Зулхумор Хайитбоевна — Термиз шаҳар алоқа корхонаси бўлим бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Бойматова Зуҳра Уримбоевна — Пискент тумани "Ўзбекистон Мустақиллиги" номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Тошкент вилояти

Бойханова Гулчехра Байтумановна — Наманган шаҳар «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамияти тўқувчиси, Наманган вилояти

Болибеков Анвар Облоқулович — Қўшработ тумани "Зармитан" олтин кони ишчиси, Самарқанд вилояти

Бурханитдинов Рустамбек Анварович — 12-қурилиш трести ҳиссадорлик жамиятининг касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Тошкент шаҳри

Вахабова Роза Жулиевна — Янгиер шаҳри "Шодлик-Р" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси директори, Сирдарё вилояти

Вохидова Саида Чуллиевна — Қизириқ тумани савдо ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўкон мудираси, Сурхондарё вилояти

Гайназарова Канат — Янгийўл тумани "Эски Қовунчи" жамоа хўжалиги аъзоси, Тошкент вилояти

Давлятшин Равиль Вазизович — Гулистон тумани махсус механизациялашган кўчма колоннаси катта прораби, Сирдарё вилояти

Дадабоев Қаюм Каримжонович — 25-Гулистон автобус саройи ҳиссадорлик жамияти ҳайдовчиси, Сирдарё вилояти

Дадамирзаев Комилжон Маликович — Наманган тумани Қ.Солиев номли корпорацияси бригада бошлиғи, Наманган вилояти

Деҳқонбоев Абдуғани — Оққўрғон тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Деҳқонбоев Қаюмбой — Ўрта Чирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Джалалов Абдумуталиб — "Ўзпахтасаноатсотиш" уюшмасининг иқтисодий масалалар бўйича бош бошқарма бошлиғи, Тошкент шаҳри

Джумабаев Муратбай — Тахиатош шаҳар ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

Джурабоев Исмаил Хусанович — "Қўқонқурилиш" ҳиссадорлик жамияти 10-қурилиш-монтаж бошқармаси 2-филиали монтажчиси, Фарғона вилояти

Дорохина Нина Петровна — Навоий шаҳри "Дилрабо-Чародейка" масъулияти чекланган жамияти аёллар сартароши, Навоий вилояти

Дошумбаев Қунғиротбой Ильясович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари - иқтисодиёт ва статистика вазири

Ережепова Қонсулув — Бўзатов тумани "Тўрткўл" чорва деҳқон фермер хўжалиги бош чўпони, Қорақалпоғистон Республикаси

Есенқулов Рахим — Арнасой тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Ешбаев Бурибай — Кўнғирот тумани "Кўкдарё" қишлоқ хўжалиги ширкати бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ёров Сафарали Шофайзиевич — Узун тумани Ж. Эшмирзаев номли жамоа хўжалиги пахтачилик бригадаси бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Жабборов Ғуломиддин — Норин тумани ҳокими, Наманган вилояти

Жамилов Акбар — Нарпай тумани ҳокими, Самарқанд вилояти

Жамилов Хамиджон Билалиддинович — Мингбулоқ тумани Нодира номли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

Жамолдинова Хуртожихон — Асака тумани "Асака" боғдорчилик-узумчилик ширкатлар уюшмаси боғбони, Андижон вилояти

Жўраев Жамолиддин Жўраевич — Қибрай тумани Р. Мусамуҳамедов номли жамоа хўжалиги узумчилик ва боғдорчилик бригадаси бошлиғи, Тошкент вилояти

Жўраев Миножиддин — Ёзёвон тумани "Хонобод" жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

Жонибекова Иноят Жумаевна — Бекобод тумани "Ўзбекистон" жамоа хўжалиги пахтачилик оилавий пудратчиси, Тошкент вилояти

Жураев Бойниёз Чориевич — Сурхондарё вилояти пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси

Жураев Сайфулло Тошмуродович — Нарпай тумани "Иттифоқ" жамоа хўжалиги аъзоси, Самарқанд вилояти

Зарипов Абдурахмон — Тўрткўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Зохидов Бердимурот Комилович — "Ўзавтойўл" давлат акционерлик концерни иқтисодчилар кенгаши бош котиби, Тошкент шаҳри

Зохидова Хосият Ражабовна — Қорақўл тумани "Ўзбекистон" аҳолига маиший хизмат кўрсатиш жамоа корхонаси тикувчиси, Бухоро вилояти

Зойиров Қобилжон — Миробод тумани "Ўзкимёфарм" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти аппаратчиси, Тошкент шаҳри

001308	066*)	10000
001336	1-200	100
001339	128*)	10000
001368	192*)	500000
001393	1-200	250
001404	1-200	100
001405	154*)	500000
001422	1-200	100
001426	082*)	100000
001428	1-200	100
001470	1-200	100
001477	197*)	10000

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори (сўмда)
001497	1-200	100
001510	1-200	100
001519	044*)	10000
001524	060*)	10000
001527	1-200	100
001571	1-200	100
001614	185*)	10000
001646	070*)	10000
001655	1-200	100
001690	1-200	100
001696	140*)	10000
001698	1-200	100
001704	1-200	100
001734	1-200	100
001752	1-200	100
001755	1-200	100
001764	1-200	100
001775	116*)	10000
001780	1-200	100
001782	1-200	100
001862	067*)	10000
001866	187*)	10000
001882	1-200	100
001896	150*)	10000
001903	1-200	100
001918	104*)	250000
001992	063*)	10000
002003	154*)	10000
002022	1-200	100
002024	1-200	100
002072	1-200	100
002073	1-200	200
002077	1-200	100
002091	1-200	100
002107	1-200	100
002116	046*)	100000
002139	078*)	10000
002174	135*)	100000
002178	017*)	10000
002196	1-200	250
002200	1-200	100
002226	1-200	100
002245	1-200	100
002312	1-200	100
002344	1-200	1000
002351	1-200	100
002355	074*)	10000
002419	1-200	100
002446	167*)	10000
002464	1-200	100
002480	060*)	100000
002482	1-200	5000
002507	1-200	200
002523	1-200	100
002546	1-200	100
002576	1-200	100
002602	038*)	10000
002618	080*)	10000
002651	037*)	10000
002662	1-200	100
002681	055*)	100000
002683	1-200	100
002694	118*)	100000
002704	1-200	100
002725	190*)	250000
002736	1-200	100
002753	113*)	10000
002765	1-200	100
002774	1-200	500
002779	107*)	10000
002845	192*)	10000
002852	1-200	100
002856	182*)	10000
002924	1-200	100
002948	152*)	10000
002950	1-200	100
002972	138*)	10000
002973	003*)	10000
003018	1-200	100
003021	1-200	100
003032	058*)	10000
003042	146*)	10000
003050	1-200	100
003077	1-200	100
003078	031*)	250000
003091	1-200	200
003093	1-200	100
003112	1-200	250
003115	163*)	10000
003156	1-200	200
003160	1-200	100
003161	068*)	100000
003163	164*)	250000
003164	135*)	10000
003179	1-200	100
003188	1-200	100
003204	146*)	10000
003210	040*)	250000
003223	1-200	100
003227	1-200	100
003242	1-200	100
003267	1-200	250
003292	1-200	100
003297	1-200	100
003332	132*)	10000
003383	1-200	100
003384	004*)	10000
003410	1-200	100
003416	1-200	100

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори (сўмда)
003431	1-200	100
003435	1-200	100
003467	193*)	100000
003471	1-200	100
003473	1-200	100
003517	1-200	100
003520	1-200	100
003525	1-200	100
003529	1-200	100
003546	1-200	100
003551	1-200	100
003564	1-200	100
003578	1-200	100
003592	1-200	100
003661	1-200	100
003664	1-200	100
003669	110*)	10000
003670	1-200	100
003675	1-200	100
003678	1-200	100
003681	177*)	10000
003685	099*)	10000
003705	1-200	100
003732	1-200	500
003734	105*)	100000
003750	1-200	100
003788	1-200	100
003795	053*)	10000
003806	1-200	100
003824	1-200	500
003826	1-200	100
003830	1-200	100
003835	1-200	100
003860	158*)	100000
003864	1-200	500
003922	1-200	100
003924	1-200	100
003927	1-200	100
003976	1-200	100
003979	1-200	5000
003989	054*)	100000
004018	197*)	10000
004023	106*)	10000
004040	196*)	100000
004067	1-200	100
004105	082*)	10000
004118	171*)	10000
004135	013*)	10000
004167	1-200	250
004179	1-200	100
004186	1-200	100
004219	012*)	10000
004224	029*)	10000
004231	1-200	100
004241	109*)	10000
004273	1-200	100
004282	100*)	5000000
004310	1-200	100
004315	1-200	1000
004351	127*)	10000
004352	1-200	500
004359	034*)	10000
004363	1-200	200
004388	1-200	1000
004402	1-200	100
004403	086*)	10000
004443	175*)	10000
004456	1-200	500
004467	066*)	10000
004496	1-200	100
004498	1-200	100
004520	1-200	100
004550	1-200	100
004575	1-200	100
004580	1-200	100
004596	074*)	10000
004625	1-200	100
004630	131*)	10000
004639	066*)	10000
004686	1-200	100
004691	1-200	100
004713	1-200	100
004716	037*)	10000
004721	1-200	100
004728	1-200	100
004729	1-200	100
004753	028*)	100000
004764	055*)	10000
004776	075*)	10000
004778	1-200	1000
004797	1-200	100
004821	1-200	1000
004846	186*)	10000
004863	1-200	500
004864	070*)	10000
004872	1-200	500
004883	148*)	10000
004900	1-200	100
004902	1-200	100
004959	1-200	100
004971	195*)	10000
004980	1-200	100
005008	1-200	100
005009	1-200	100
005020	014*)	10000
005021	145*)	100000
005032	1-200	100
005072	030*)	10000
005099	1-200	100

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори (сўмда)
005105	1-200	100
005107	1-200	100
005124	164*)	10000
005165	1-200	100
005183	1-200	100
005197	1-200	100
005201	005*)	10000
005202	1-200	100
005206	1-200	100
005242	1-200	100
005267	1-200	500
005277	1-200	100
005281	015*)	100000
005284	086*)	10000
005304	1-200	100
005330	1-200	200
005349	1-200	100
005357	1-200	100
005359	1-200	100
005388	1-200	1000
005424	1-200	100
005455	1-200	100
005459	1-200	100
005482	1-200	100
005483	1-200	100
005534	1-200	100
005541	048*)	10000
005542	181*)	10000
005549	179*)	100000
005612	059*)	10000
005625	1-200	100
005645	1-200	100
005651	1-200	250
005660	1-200	100
005667	1-200	200
005697	1-200	100
005700	1-200	250
005709	1-200	1000
005728	1-200	250
005732	1-200	100
005786	1-200	100
005824	1-200	200
005836	1-200	100
005837	1-200	100
005839	1-200	100
005848	037*)	100000
005850	1-200	100
005853	025*)	10000
005871	1-200	100
005898	1-200	100
005904	024*)	10000
005909	1-200	250
005943	017*)	10000
005954	1-200	100
005957	1-200	100
005958	1-200	500
005964	100*)	500000
005972	1-200	100
005985	1-200	250
006010	1-200	100
006017	1-200	200
006065	077*)	10000
006068	1-200	100
006095	1-200	1000
006108	065*)	10000
006112	1-200	100
006118	1-200	100
006125	1-200	100
006127	1-200	100
006210	133*)	10000
006212	105*)	250000
006215	1-200	200
006230	1-200	100
006237	1-200	100
006241	1-200	100
006244	1-200	100
006245	1-200	100
006253	200*)	1000000
006263	1-200	100
006265	015*)	1000000
006267	1-200	100
006271	098*)	10000
006276	1-200	100
006278	1-200	100
006283	1-200	250
006306	129*)	10000
006359	146*)	10000
006384	1-200	200
006385	1-200	200
006393	044*)	10000
006404	1-200	500
006422	1-200	5000
006435	134*)	10000
006439	017*)	10000
006472	1-200	100
006479	154*)	1000000
006494	1-200	100
006524	173*)	10000
006531	1-200	5000
006533	1-200	100
006554	161*)	10000
006584	1-200	200
006595	1-200	1000
006600	125*)	100000
006603	191*)	10000
006609	1-200	100
006617	182*)	10000
006630	1-200	100
006643	1-200	100

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори (сўмда)
006645	1-200	500
006650	199*)	2000000
006656	1-200	250
006660	180*)	10000
006661	1-200	100
006666	163*)	10000
006675	1-200	100
006684	1-200	100
006690	1-200	100
006693	1-200	200
006736	1-200	100
006738	1-200	200
006760	1-200	100
006769	132*)	10000
006786	161*)	10000
006787	1-200	100
006825	1-200	100
006826	1-200	100
006832	1-200	100
006844	1-200	100
006857	1-200	100
006875	039*)	10000
006877	1-200	100
006905	1-200	100
006912	1-200	100
006923	092*)	10000
006935	1-200	100
006947	1-200	100
006949	1-200	100
006952	1-200	100
006964	1-200	100
006981	1-200	100
006990	1-200	200
007015	1-200	100
007017	1-200	100
007052	011*)	10000
007099	1-200	250
007131	1-200	1000
007149	1-200	1000
007152	1-200	100
007171	1-200	100
007174	1-200	100
007193	007*)	10000
007209	1-200	100
007211	1-200	100
007222	1-200	100
007242	1-200	100
007248	001*)	10000
007257	1-200	100
007268	1-200	200
007270	1-200	100
007299	1-200	100
007340	070*)	10000
007371	1-200	200
007372	1-200	5000
007380	1-200	100
007390	1-200	200
007411	027*)	10000
007416	1-200	100
007433	1-200	100
007435	1-200	100
007446	1-200	100
007467	090*)	500000
007523	153*)	10000
007527	1-200	100
007539	1-200	100
007540	1-200	200
007546	1-200	100
007635	192*)	10000
007679	1-200	250
007730	199*)	2000000
007740	025*)	100000
007773	1-200	100
007806	1-200	100
007807	1-200	200
007818	055*)	100000
007822	1-200	250
007829	1-200	100
007832	1-200	100
007854	1-200	100
007856	1-200	5000
007916	1-200	100
007928	119*)	10000
007944	1-200	5000
007957	1-200	500
007989	1-200	200
007992	136*)	10000
007996	1-200	100
008003	1-200	100
008040	055*)	10000
008044	120*)	100000
008045	1-200	100
008049	042*)	10000
008059	1-200	200
008088	168*)	10000
008089	1-200	100
008095	173*)	10000
008134	1-200	100
008148	1-200	100
008149	1-200	100
008151	1-200	100
008159	1-200	100
008174	1-200	500
008200	096*)	10000
008221	1-200	100
008229	197*)	250000
008242	1-200	100
008253	1-200	250
008288	1-200	100

Серия рақами	Билет рақами	Ютуқнинг миқдори (сўмда)
008304	1-200	100
008336	1-200	200
008359	163*)	10000
008360	1-200	200
008363	164*)	250000
008402	1-200	100
008435	1-200	100
008440	1-200	250
008447	1-200	250
008451	1-200	250
008466	1-200	100
008473	144*)	10000
008485	1-200	100
008516	1-200	1000
008543	191*)	10000
008556	1-200	100
008583	015*)	10000
008608	1-200	100
008616	1-200	100
008617	1-200	200
008635	1-200	100
008639	1-200	100
008666	077*)	100000
008668	1-200	100
008671	1-200	200
008675	1-200	100
008677	126*)	10000
008685	1-200	1000
008700	1-200	100
008706	128*)	10000
008712	1-200	100
008716	1-200	100
008781	1-200	250
008782	1-200	100
008823	1-200	100
008825	1-200	100
008866	1-200	250
008888	1-200	100
008906	080*)	10000
008915	1-200	100
008917	1-200	250
008920	1-200	250
008925	1-200	100
008955	1-200	100
008960	1-200	100
008976	073*)	10000
008978	1-200	100
008979	140*)	10000
008985	1-200	200
008991	1-200	5000
009109	1-200	100
009126	1-200	200
009158	1-200	200
009177	1-200	100
009181	1-200	500
009191	1-200	100
009196	1-200	100
009206	1-200	100
009224	052*)	10000
009242	048*)	10000
009245	1-200	200
009248	1-200	100
009251	1-200	250
009258	1-200	100
009261	1-200	100
009264	119*)	10000
009344	086*)	10000
009357	1-200	100
009370	1-200	100
009374	175*)	10000
009388	1-200	100
009437	1-200	100
009453	066*)	10000
009478	042*)	10000
009485	1-200	250
009494	1-200	500
009498	1-200	100
009507	1-200	500
009509	085*)	10000
009545	140*)	100000
009564	1-200	500
009573	1-200	100
009576	1-200	100
009595	123*)	10000
009636	1-200	200
009703	1-200	100
009709	1-200	100
009713	1-200	100
009717	1-200	100
009746	1-200	100
009772	1-200	100
009792	1-200	100
009795	1-200	500
009807	1-200	100
009814	1-200	100
009820	1-200	100
009844	013*)	10000
009867	1-200	100
009882	1-200	100
009885	1-200	100
009901	087*)	10000
009908	1-200	100
009949	077*)	100000
009975	1-200	100
009992	1-200	100
009997	197*)	10000

****) — Қолган 199 билет номерига 50 сўмдан ютуқ чиқди.***

— 10000 сўмгача миқдордаги ютуқлар Халқ банкининг барча муассасаларида тўланади.

— 10000 сўм ва ундан юқори ютуқлар лотерея билетлари Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан экспертизадан ўтказилгандан сўнг Халқ банки бўлимлари томонидан тўланади. Ютуқли лотерея билетлари 1999 йил 31 декабргача тўловга қабул қилинади. Ушбу муддат тугагандан сўнг ютуқли лотерея билетлари ўз кучини йўқотади ва тўловга қабул қилинмайди.

Абдураҳимова Фарида Йўлдошевна — Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси (тираж комиссиясининг раиси)

Баҳодиров Ортиқхўжа Шукурович — Ўзбекистон Республикаси Халқ банки бошқармаси бошлиғининг ўринбосари (тираж комиссиясининг масъул котиби)

Аёлга эҳтиром

Куни кеча Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг курортлар бошқармасига қарашли «Оқтош» санаториесида Аёллар йилига бағишланган янги даволаш бўлимлари очилди.

– Санаториймиз сурункали ўпка касаллигини даволашда ягона ҳисобланади. Бу ерга республикамизнинг турли вилоятларидан беморлар келишади. Санаторийда табиат ва тоза ҳаво ёрдамида беморлар даволанишади. Бу ерда беморлар учун барча қулайликлар мавжуд, – дейди бош шифокор Ўрмонбек Тўлаганов.

Ушбу янги бино қурилишида Касаба уюшмалари федерацияси қошидаги қурилиш ташкилоти қурувчилари жонбозлик кўрсатишди.

Бу эса бир сўз билан айтганда аёлга эҳтиромнинг яна бир кўринишидир.

Фаруҳ ҲАМРОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мактаб бозорлари гавжум

Кенжа Навоий вилоятида янги ўқув йилини муносиб кутиб олиш мақсадида бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят «Матлуботсавдо» акциядорлик компанияси ташаббуси билан 20 та жойда мактаб бозорлари, 34 та савдо дўконларида эса мактаб бурчаклари ташкил этилди. Уларда жами 5 миллион сўмлик турли ўқув қуроллари, керакли адабиёт ва дарсликлар, мактаб формалари ҳамда болалар пойабзаллари мавжуд. Айниқса Навоий, Қизилтепа, Кармана, Нурота, Зарафшон шаҳар ва туманларида ташкил этилган мактаб бозорлари иши диққатга лойиқдир. Вилоят марказидан анча олисда бўлган Қизилқумдаги Учқудуқ, Томди, Конимех туманлари овул ва ўтовларида ҳам мактаб дўконлар ташкил этилган.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Чапани ошиқ»

Хўп деяверинг, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар томошабинлари эътиборини тортадиган кинофильмларимиз ҳақида фахр билан гапирадиган кунлар узоқ эмас. Чунки истиқлол туфайли қотиб қолган, мафкурага бўйсундирилган ёндошувлар барҳам топди. Санъатлар орасида таъсир кучи беқиёс бўлган кино яратишга шу ишда суяги қотганларгина эмас, балки ҳаваскорлар ҳам қўл ураётганлиги, янги, бутунлай бошқа талқиндаги асарлар дунёга келаётгани ҳам умид уйғотади.

Шундай кишилардан бири – Хайрулло Эргашевни китобликлар яхши билишади. У узоқ йиллар киномеханик сифатида одамлар хизматида бўлди. Кейин кино яратиш иштиёқига тушди. Унинг фильмларида ўзи билан оддий кишилар ҳам иштирок этган. Китоб ва Шаҳрисабзнинг такрорланмас манзаралари тасвирга кўчирилган. У муаллиф бўлган биринчи фильм «Кўзларим йўлингда» эди. Яқинда «Сиймо» студияси Хайрулло Эргашевнинг сценарийси асосида «Чапани ошиқ» мусиқали шоу кинокомедиясини яратди.

Кинокомедия Китоб туманидаги «Умид» санъат саройида намойиш қилинди. Хайрулло Эргашев ҳамюртларига ўзи муаллиф бўлган учинчи «Тоғли куёв» фильми ҳақида ҳам гапириб берди. Бу фильм ҳам яқин кунларда томошабинларга тақдим этиларкан. Ҳамюртлари муаллифга ижодий муваффақиятлар тилашди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



ай—сель

ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ КО. ИНК

ay-sel

«INSAAT TAAHHUT VE TICARET A.Ş.»

ay-sel

ҚУРИЛИШ, ПУДРАТ, ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистон Республикасининг равнақ топишига ўз ҳиссасини қўшаётган муҳандис, меъмор ва ишчилар ўзбек халқини Мустақиллик байрами билан сидқидилдан қутлайди ва ўзбек давлатининг абадий барҳаёт келажагини тилайди.

Ҳурмат ва севгилар ила,
«Ай-сель Иншоот, Тааххют ва Тижорат А. Ш. » Ширкати.



Özbekistan Cumhuriyeti'nin gelismesinde katkilari bulunan, muhendis, mimar ve isciler Özbek Milleti'nin Bagimsizlik Bayrami'ni kutlar, Özbek Devleti'nin ebedi gelecegini alkislariz. Sevgi ve saygilarimizla,
«Ay-Sel Inşaat, Taahhüt ve Ticaret A.Ş.»

Манзил: Амир Темур кўчаси — 107.
Тел: 120-65-16, 120-65-31, 120-71-76.

Жисмоний баркамол ёшлар

Спорт ва маънавият

Мустақиллик мамлакатимизнинг иқтисодий ҳаётида туб ўзгаришларни юзага келтириш билан бирга халқимиз онги, шуури, маънавиятига янги йўналишларни, интилишларни олиб кирди. Иқтисодий ривожланиш мустақил давлат тараққиётининг моддий исботи бўлса, таълим, фан, маданият, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги юксалишлар маънавиятидан нишонадир. XX асрнинг охирги ўн йиллигида Ўзбекистон халқи ўз миллий давлатчилиги, мафкураси пойдеворини қўйди.

Барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Аввало халқнинг онгида жисмоний тарбия ва спортга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўз саломатлиги, жисмоний баркамоллиги ҳақида қайғуриш ҳисси мактаб ўқувчиларидан тортиб, давлат раҳбарларигача қамраб олмоқда.

Жисмоний соғлом жамиятни бунёд этмай туриб, маънавий баркамол давлатни шакллантириб бўлмайди. «Фан спортга» журнали бош муҳаррири Ф. Насриддинов билан Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Шавкат Тўлаганов мулоқоти шу мавзуга бағишланди.

Ф.Н: — Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқимизнинг бой тарихий мероси ва анъаналари мавжуд. Маънавият ва маърифатга эътиборнинг кучайтирилиши халқимизнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мавжуд бўлган бетакрор ақлий, ахлоқий, жисмоний салоҳиятини ўрганишнинг кучайишига олиб келди. Хусусан, чет эллик олимлар ва мутахассислар иштирокида ўтказилган илмий анжуманларда муҳокама қилинган маърузалар, кейинги вақтларда ўрганилган манбалар халқимизнинг бу соҳага оид тарихи бир неча минг йилни қамраб олганлигини кўрсатди.

Шуни таъкидлаш лозимки, юртимиз ўтмишида жисмоний тарбия ва спорт халқимиз турмушидан мустаҳкам ўрин олган, буюк инсонларнинг шаклланишига хизмат қилган. Бу ўринда Алпомиш, Барчиной, Тўмарис, Спитамен каби тарихий шахсларнинг номларини эслаш кифоядир.

Ш.Т: — Мустақиллик йилларида ойлар ва йиллар одими ўтмишнинг бир неча юз йилларига тенг десак ҳаётий ҳақиқатни ифода этган бўламиз. Соҳада юз берган ўзгаришларни қуйидаги рақамлар яққол ифодалайди: 1998 йилга келиб 1991 йилга нисбатан республикада стадионлар сони 58 фоизга, спорт заллари 27 фоизга, сузиш бассейнлари 88 фоизга, теннис кортлари 2,6 баробар кўпайди. Жами спорт иншоотларининг шуғулланувчиларни қабул қилиш қуввати 80 фоизга ошди. Бу спорт секцияларида шуғулланувчилар сонининг 63 фоизга ошишига олиб келди. Биргина спортнинг теннис тури билан шуғулланувчилар сони 3 баробар кўпайди.

Замонавий спорт иншоотларининг барпо этилиши, халқаро мусобақалар ўтказишга йўл очди. Биргина 1998 йилнинг ўзида республикамизда 40 дан ортиқ халқаро турнир ўтказилди. Уларда жаҳоннинг энг кучли спортчилари — Олимпия, Осиё ўйинлари чемпионлари, жаҳон чемпионлари иштирок этдилар. Ўзбекистонга бир марта ташриф буюрган ҳар бир хорижий спортчи бу жаннатмакон ўлкага яна келиш нияти билан қайтади. Чунки халқимизнинг бағри кенг, меҳмондўст, саховатли.

Ф.Н: — Спорт мусобақалари инсонларни адолат ва мардликка ўргатади. Мардлик эса ғалаба қозонганда манманликдан ўзини тия олиш, ғалабадан эсанкираб қолмаслик хислатларини шакллантиради. Зеро, бугун ғолиб чиққан спортчи эртага мағлуб бўлиши ва аксинча енгилган томон пухта тайёргарлик кўриб ғолибликка эришиши мумкин. Спортчи беллашув давомида рақибини мағлубиятга учратиш учун ҳамма чораларни кўради-ю, баҳс тугаши билан рақибини бағрига босиб, майдонни тарк этади. Ёшлигидан спорт билан шуғулланган киши ҳаёт хилма-хил мусобақалар мажмуасидан иборат эканлигини дилига жо қилади. Ҳаётий фаолиятда ғалаба билан мағлубият бир-бири билан алмашиб туриши табиий.

Ш.Т: — Шуниси қувонарлики, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қадриятларимиз қайта тикланиб, фақат юртимизда ривожланибгина қолмай, дунё юзини ҳам кўрмоқда. Сўнгги йилларда спортда эришган ютуқларимиз орасида салмоқлиси ўзбек курашининг халқаро спорт майдонига чиқиши, Халқаро Кураш Ассоциациясининг ташкил этилиши ва биринчи жаҳон чемпионатининг ўтказилиши бўлди. Кураш орқали бу спорт турининг ўзбекона атамалари умумжаҳон атамалари орасидан жой олди.

Яна бир миллий спорт туримиз — турон ҳам кун сайин ривожланиб, муҳлислари сони ортиб бормоқда. Ҳозирнинг ўзида кўпгина мамлакатларда юзлаб кишилар бу спорт тури билан шуғулланмоқдалар.

Ф.Н: — Бир неча бор матбуот саҳифаларида таъкидланганидек, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини бўғиб ташлаш мустамлакачилик даврининг сиёсати эди.

Миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари болаларнинг соғлом ўсишига хизмат қилувчи, фаол меҳнат билан шуғулланишга, оталик-оналикка ўргатувчи воситадир. Миллий спорт ўйинлари ҳар хил жўғрофий минтақалар муҳитига мос аҳолининг турмуш тарзи хусусиятларини эътиборга олган ўйинлар бўлиб, катталар — оила аъзолари томонидан ёшларга ўргатилар, маҳаллаларда, қишлоқ жойларида оилалараро ёки жамоалар ўртасидаги мусобақалар сифатида ўтказилар эди. Маҳалла-маҳалла билан, даҳа-даҳа билан, қишлоқ-қишлоқ билан мусобақа ўтказиши халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб сингиб кетган эди. Мустақиллик йилларида бу соҳада олиб борилган ишлар шуни кўрсатдики, бир ярим аср давомида миллий ўйин ва спорт турларининг кўпчилиги унутилган, баъзи ўйинларнинг номи бор, тўла таркиби эса сақланмаган.

Агар ўзбек миллий ўйинлари ва спорт турлари тўла тикланса ва жорий этилса, ҳозирги ва келажак авлодимизнинг бахтиёр ва фаровон ҳаётга эришишига янги суръат бағишлайди, мамлакатимиз равнақига хизмат қилади.

Ш.Т: — Миллий спорт турларини тиклаш ва ривожлантириш соҳасида қилинган ишлар кўп. Бунда Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда жисмоний тарбия мутахассислари аҳиллик билан олиб бораётган фаолияти яхши натижалар бермоқда. Миллий спорт соҳасида бир қатор қўлланмалар, тавсияномалар ёзилди ва эълон қилинди. Улар бир нечаси махсус китоблар ҳолида чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг ёрдами билан ташкил этилган ўзбек миллий спорт турларини тиклаш ҳақидаги илмий-тадқиқот натижаларининг дастлабки қисми рисола тариқасида босмадан чиқди. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миллий спортимиз аҳолининг яшаш шароитига, меҳнат фаолиятининг хусусиятларига, иқлим шароитига мосланган ҳолда соғломлаштиришга, иш унумдорлигини оширишга, ўз-ўзини бошқариш қобилиятини кучайтиришга қаратилган. Миллий спорт турлари бу жиҳатдан бир неча йўналишларга эга. Масалан: водийларда яшайдиганларнинг миллий спорт турлари тоғли ҳудудлардаги миллий спорт турларидан фарқ қилади. Чўл зоналаридаги миллий спорт турлари шу географик минтақа ва қумли шароитларга мосланган.

«Савоб» ўйинлари деб аталган бир неча ўнлаб миллий ўйинларимиз бор. Савоб ўйинлари фуқароларда ихтиёрий равишда ўз-ўзига ва халқ манфаатига хизмат қилиш анъанасини шакллантиради. Миллий спорт турлари ва ўйинларида Ўзбекистон халқининг меҳмондўстлик, хайри-саховатлилик, қўли очиқлик, тантилик, ўзаро аҳиллик каби хислатлари ёрқин намоён бўлган. Савоб ўйинлари ота-онаси, қаровчиси йўқ хастаю кексаларга кўмак ва ёрдам кўрсатиб, уларга ғамхўрлик қилишнинг бир ифодасидир. Шу жиҳатдан ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий соғлом қилиб тарбиялашда спортнинг тутган ўрни каттадир.

мулоқотни «Ўзбекистон овози» мухбири Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли ёзиб олди.

Табиат ҳазилими ёки..

Сирли олам

Дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган сув тошқинлари, ер қимирлашлари, тўфонлар инсониятни табиат ҳақида жиддийроқ ўйлашга мажбур этаяпти. Экологик ҳолатнинг бузилиши, иссиқ ўлкаларда саратонда ёққан жалалар, сув тошқинлари, иқлими намхуш мамлакатлардаги жазирама иссиқлар , ўрмонларнинг ёниб кетиши жамият ва табиат ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши оқибати эканлиги сир эмас. Борлиқнинг, ҳатто баҳорда қўклаб ёзда қуриб қоладиган ўт-ўланларнинг ҳам мувозанатни сақлашда ўз ўрни бор. Адирларга ҳаёт бахш этувчи тоғ дарёларининг тўғонлар қуриб боғланиши натижасида асрий дарахтлар томирига зил кетди. Адирлар яйдоқ далаларга айланди.

Америка Қўшма Штатларида юз бераётган тўфон асримизнинг энг дахшатлиси ҳисобланмоқда. Бу воқеа тасодифми, ёки табиатга қилинган ҳуруж учун замин қасдими? Туркиядаги ер қимирлаши-чи? Хитойдаги сув тошқини, Японияннинг сув устида қалқиб туриши, барибари табиатга жиддийроқ эътибор қаратилишини талаб этади.

Ер ости бойликларининг кўплаб қазиб олиниши остки қатламда бўшлиқ ҳосил этади. Ер юзасидаги сув тортилиши табиий. Атмосферанинг пастки қатламида етарли намлик сақланмагач, иқлим ўзгариши вужудга келади. Ҳавонинг қуриши ёки совуши натижасида инсоният турли касалликлар ташувчи микробларга қарши курашувчи иммунитетларни йўқота боради. Ўлат келтирувчи касалликларнинг пайдо бўлишига имкон туғилади.

Ўтмишда боболаримиз оддий кўз билан юлдузлар туркумини ажрата олганлар, тунлари юлдузлар жойлашишига қараб йўл топганлар. Ернинг Қуёш атрофида айланишини, Галактикада ўн саккиз минг олам мавжудлигини билганлар. Қуёшнинг ҳаракатига қараб йил ҳисобини, кунлик вақтни мукаммал аниқлай олганлар. Биз эса телескоп бўлмаса осмонни кўролмаймиз, шунда ҳам бизнинг ҳисобимиздан аждодлар ҳисоби юз чандон тўғри эканлигини фан исботлайверади.

Шўролар даврида табиатга ҳукмронлик ғояси устунлик қилди. Табиат инсон измидан бориши керак дейилди. Табиатга қирон келтириш, ҳайвонот дунёсини истаганча хўрлаш кучайди. Бугунга келиб жабрини торта бошладик. Инсон қизиқ, қорин ташвишида кирмаган тешиги қолмайди. Бойиш, пул топиш ортида турли хил модаларни ўйлаб топади. У қанчалик янгилик яратишга куч сарфласа, шунчалик табиатга қирон келтиради. Ҳайвонот завол топади. Кийгулик ҳам, егулик ҳам табиатдан эканлиги бунга далилдир. Физиканинг олтин қоидасида: нимадир яратиш учун нимадандир воз кечиш керак, жумласи бор. Биз нимадир яратиш учун нимадан кечаяпмиз?

Инсоннинг ақл-заковати қанчалик юксак бўлмасин, олам сирасрори олдида ожиздир. У бутун олам жумбоғини ечишга қодир эмас. Кейинги ўн йил ичида ер юзининг турли бурчакларида содир бўлган сув тошқинлари, ер қимирлашлар нимани оқибати? Ҳали фан етарлича жавоб бергани йўқ. Эсланг: 1985 йилда Мексика пойтахти Мехикода кучли ер қимирлаши натижасида 20 мингдан ортиқ одам ҳаётдан кўз юмди. 1994 йилда Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелес шаҳридаги ер қимирлаши-чи? Ёки 1996 йилда Японядаги ер қимирлаши оқибатида 6 мингдан зиёд одам нобуд бўлди. Яқиндагина Туркиядаги зилзилада ҳам катта талофатлар бўлганлигини жаҳон оммавий ахборот воситалари айтишмоқда. Ҳозиргача қутқарув гуруҳининг ахборотига кўра 10 мингдан ошиқ аҳоли фалокат туфайли вафот этганлиги қайд этилган. 30 мингтаси касалхоналарга ётқизилган, 20 минг фуқаронинг тақдири эса номаълумлигича қолмоқда. Қидирув, қутқарув ишлари эса давом этмоқда

Шунингдек, инсониятни лаҳзалар ичида ларзага келтирмасдан, аста-секинлик билан жарликка етаклаётган турли хил кўринишдаги табиат ҳодисалари ҳам мавжудки, у ўзига дарров эътибор қаратмайди, шов-шувлар тарқатади холос. Масалан, Африка қитъасидаги очарчилик, Жанубий Америкада осойишталик тополмаётган давлатлар ва бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ер юзида қанча аҳоли яшаса ҳар бирининг ўзига хос дини, урф-одати бор. Барчаси ризқ, умр Оллоҳдан эканлигига имон келтиради. Шундай экан, нега одамлар оч?

Тараққиёт онгни чеклайдими? Яқинда қуёшнинг тўлиқ тутилиши кузатилди. Воқеа содир бўлишидан олдин одамлар орасида шундай гап тарқалди: қуёш тутилганда қиёмат қоим бўлар экан. Бўлмади-ку! Мен шунга ўхшаш гаплар фақат бизда бўлган десам, аслида дунёнинг турли бурчакларида ҳам шунга ўхшаш гаплар тарқалган экан. Ҳатто чет эл ахборот воситаларининг хабарига кўра, баъзи одамлар ўзларини ўзлари нобуд қилишгача борибди.

Қуёшдан тарқалаётган ультрабинафша нурларни озон гази фильтрлаб ерга узатади. Лекин озон газининг камайиб бораётгани янада ташвишлидир. Хўш, озон нимадан тўйинади? Уни тўйинтира оладиган шароит яратиш учун Ер юзи аҳолисини тартибли яшашга ўргатиш мумкинми? Албатта катта оқимни инсон бошқармайди. Тараққиёт шундай оқимки, у йўлида учраган хўлу қуруқни баробар оқизиб кетаверади. Оқимдан четда қолганлар ҳалокатга маҳкумдирлар. Бу табиат қонуни. Шундай бўлсада, инсон онгли яшашга мажбур. Бажараётган юмушини таҳлил қилишга, омма учун эмас, ўзи учун ҳисобот беришга мажбур. Табиатни асрашга, унинг гуллаб-яшнашига имкон яратишга барчамиз масъулмиз.

Юсуф ЖЎРАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мурувватли одамлар

Изҳор

Дўст билан душманнинг фарқи бошга мусибат тушганда билинади дейишади. Лекин ҳаётда кўнгли яримта одамлар ҳам бор.

Чойхона ёки давралардаги гурунгларда баъзи ношукрларнинг мустақиллик берган неъматларимизнинг қадр-қийматини чуқурроқ англаб ета олмаётганликларини кўриб куйиниб кетаман. Ҳозир ёшим 57да, оилам, 7 нафар қизим бор. Ўзим биринчи гуруҳ ногиронман.

Рафиқам Ўлмасхон билан баҳоли қудрат яшаяпмиз, фарзандларни тарбиялаяпмиз. Қизларимиз вояга етиб қолишди. Бу йил тўнғич қизим Рихсихонни турмушга чиқардик. Очиғи, тўй бошлай деяпмиз-у, у-бу камчиликларга қўлимиз калталик қилиб қолаётганидан эр-хотин ташвишда эдик. Икки хонадан иборат таъмирталаб уйимиздан ҳам кўнглимиз тўлмасди.

Элга қайишган одамларни яратганнинг ўзи ярлақасин. Туманимиз ҳокими аҳволимиздан хабар топиб, тезда ёрдамга киришди. Ҳаш-паш дегунча икки ой ичида 4 хонали таъмирдан чиққан шинам уйга кўчиб ўтгандаги оиламизнинг қувончининг чеки йўқ эди. Тўйимизни ҳам ҳокимлик бош-қош бўлиб ўтказиб берди. Ҳатто таниқли ҳофизларни таклиф этиб, фарзандларимизнинг кўнглини тоғдай кўтаришди.

Халқпарварлик азалдан элимизнинг қонига сингган. Мурувватли одамлар борки юрт обод, юрт осойишта.

Теран дарё қаёққа оқса, ирмоқлар ҳам унга эргашади, дейдилар. Бу ҳаёт синовларидан минг бор ўтган ҳақиқат.

Атрофимиздаги саховатпеша одамларни кўриб, шу кунларга етказганига шукрона айтгим келади. Улар бор бўлсин.

Тўлқин НОСИРОВ, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Турон» жамоа хўжалиги.

Ўзбекистонниинг ҳар томонлама равнақ топиши ва гуллаб-яшнаши учун ўзининг камтарин ҳиссасини қўшаётган

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси жамоаси

юрт аҳлини

Мустақилликнинг 8 йиллиги

шодиёнаси билан жон-дилдан қутлайди ҳамда Ўзбекистонимизнинг абадий ва буюк келажагини олқишлайди.

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси шахсий электрон ҳисоблаш машиналарини модернизациялаш учун бутловчи жиҳозлар, материаллар ва муайян локал ахборот-ҳисоблаш тизимлари учун ускуналар етказиб бериш бўйича

тендер эълон қилади

Таклифларни қабул қилиш 1999 йил 8 сентябргача амалга оширилади. Танлов (тендер) ҳужжатларини Давлат солиқ қўмитасининг Моддий-техника таъминоти бошқармасидан олиш мумкин.

Бошқарма манзили: Тошкент шаҳри, Мукимий кўчаси, 96-уй, 218-хона, ички тел: 251

«АЛАН СЕРВИС» АЖ барча турдаги тракторлар эҳтиёт қисмларини таклиф этади

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жаркўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхозэапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги «Теллур март»хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 49-37-72 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43
Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00. 1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА